

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 7 февраль, № 28 (8651) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ВАТАНИМИЗ БИР, МАҚСАДИМИЗ ЯГОНА

*Ҳар куни эрта тонгда уйғониб, шундай нурафшон кунларга етказганига шукр қиламиз. Тўкин дастурхон атрофида бутун оила жам бўлиб нонушта қиламиз. Фарзандларимизнинг бахтли ҳаётидан, жажжи кичкинтойларнинг шўхликларидан шодланамиз. Кўнглимиз тўқ, ишга ёки ўқишга шошиламиз.*

*Бу хотиржамлик, турмушимиздаги тўкислик, эртанги кунга ишонч — буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик-осойишталик меваси, халқимиз жипслиги, ёруғ ниятлари рўёби.*

## Бедор ўй

### Иродамизни тоблаган синовлар

Тўғрисини айтганда, бугун дунёнинг ҳамма минтақаларида ҳам тинчлик-хотиржамлик Ўзбекистондагидек барқарор эмас. Оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали кўриб-билиб турибмиз: қайси бир ҳудудда бомбалар портлашидан, танкларнинг гумбур-гумбуридан инсонлар ҳадик-хавотирда жон сақламоқда, қайси бир ҳудудда табиий ва техноген офатлар қалбларга ғулғула солмоқда.

Бу аянчли воқеа-ҳодисалар ҳар қандай киши дилини хира қилиши табиий. Лекин юрагимизни янада оғритаётгани — бугун турли минтақалардан туриб ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали Ватанимизга тош отишларнинг кўпайгани. Айрим кимсаларда империячилик кайфиятининг қайта уйғонгани, уларнинг мамлакатимиз мустақиллигини, тараққиётини кўролмаётгани, тарихимизни, оримизни, ғуруримизни топташга уринаётгани, юртимиздаги тинчлик-тотувликка путур етказишга интилаётгани.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги ахборот глобаллашуви инсониятга ўзаро мулоқот, илм-фан ва турли манбалардан фойдаланиш имконини яратиши билан бирга одамларга мафкуравий босимлар ўтказиш, ҳар хил ғояларни тарғиб қилиш, ёшлар онгини эгаллашда қўл келяпти.





Ишончимиз комилки, бундай ахборот хуружлари бағрикенг халқимизни асло чўчитолмайди. Руҳимизни синдиролмайди, аксинча, миллатлараро тотувликни, жипслигимизни, ўзаро хайрихоҳлигимизни, эзгулик йўлидаги ғайрат-шижоатимизни янада оширади.

Чунки биз бундай синовларни кўп кўрганмиз, иродамизни тоблаганмиз. Огоҳлик ва ҳушёрлик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳаётимиз қоидасига айланган. Чунончи, яқин ўтган даврда Қорақалпоғистонда бўлган кўнгилсиз воқеалар, тартибсизликлар бу икки халқни бир-биридан ажрата олмади. Масала моҳиятини тушунмай, турли қутқуларга учган одамлар кўчага чиқиб кетган, шаҳарда вазият анча кескинлашган пайтда Президентимиз Нукусга келди, халқ билан учрашди.

Давлатимиз раҳбарининг одамлар билан учрашувда айтган гаплари ҳеч ёдимиздан чиқмайди: “Қорақалпоғистоннинг тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун ўзбек халқининг бахти ва фаровонлигидир”.

→ 2

# ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 6 февраль куни электромобиль ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.**

Мамлакатимизда автомобилсозлик бўйича катта тажриба ва инфратузилма бор. Бугунги кунда 8 та заводда ўнлаб турдаги автомобиллар, йўловчи ва юк машиналари, қишлоқ хўжалиги ва махсус техникалар ишлаб чиқарилмоқда. Яна 2 мингдан зиёд корхоналарда кооперация асосида бутловчи ва эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда.

Ўтган йили декабрда бўлган йиғилишда давлатимиз раҳбари электромобиллар ҳаётга тез кириб келаётганини таъкидлаб, бу соҳани ўзлаштириш бўйича топшириқлар берган эди. Жорий йил январда Хитойга давлат ташрифи чоғида Президентимиз “BYD” компаниясининг бош қароргоҳида бўлди. Ушбу компания билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида гибрид ва электр автомобилларни йиғиш бўйича лойиҳа бошланди. Компания раҳбари билан музокара чоғида яқин истиқболда ишлаб чиқариш қувватини йилига 500 минг донагача етказиш бўйича фикр алмашилган эди.

Бу замон талаб қилаётган йўналиш. Сўнгги уч йилда Ўзбекистонда электромобиллар сотуви 10 баробар кўпайган. 2023 йилда импорт қилинган автомобилларнинг 35 фоизини электромобиль ва гибридлар ташкил қилган.

Шу боис мутасаддиларга бу йўналишдаги марраларни кенгроқ олиб, лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. “BYD” компанияси ҳамкорларини жалб қилиб, электромобиллар учун бутловчи қисмларни ўзлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур янги тармоқда рақобатбардош бўлиш учун, энг аввало, инновация ва илғор технологиялар керак. Шу боис Турин политехника университети, муҳандислик марказлари, илмий институт ва лабораторияларни ўзаро боғлайдиган яхлит тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, бу соҳа ривожланиши билан мутахассис ва ишчиларга талаб ортади. Яқин уч йилда бу талаб 10 мингга етиши мумкин. Шунинг учун малакали кадрлар тайёрлашни ҳозирдан бошлаш кераклиги қайд этилди.

Электромобилларни қувватлаш станцияларини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилиши белгиланди.

**ЎзА.**

## Сенат қўмиталарида

# МУҲОКАМА МУКАММАЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

*Олий Мажлис Сенатининг қатор қўмиталари томонидан ташкил этилган йиғилишларда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси муҳокама марказида бўлди. Яъни унда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча йўналишдаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга қаратилган устувор вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бири юксак масъулият ҳисси билан кўриб чиқилди.*

### Коррупцияга қарши курашиш стратегиясини қабул қилиш таклифи билдирилди

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиялар раислари, экспертлар гуруҳи аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Маълумки, инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш ва бунинг учун кучли иқтисодиёт барпо этиш асосий устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда давлат дастури лойиҳасидаги бир қатор мақсадларга эришишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

→ 3

## Таҳлил

# СЕНАТ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ ЁШ АВЛОД МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТУВЧИ МУҲИМ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНДИ

***Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш масаласига давлат даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунга жавобан ёшларимиз барча жабҳада ўзларини тўла намоён этаётгани эътиборга молик. Буни биргина Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламентининг ўтган йилги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.***



Дарҳақиқат, мазкур тузилма ёшларимизга яратилган имкониятлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар билан тенгдошларини яқиндан таништириш ҳамда уларнинг муаммо ва таклифларини тегишли органларга етказиш билан бирга қонун ижодкорлиги жараёнида фаоллик кўрсатиб келаётгани диққатга сазовор. Шу маънода, уни мамлакатимиз ёшларининг манфаатларини ифода этувчи парламентдаги муҳим тузилмага айланди, десак, муболаға бўлмайди.

Хусусан, ўтган йили мамлакатимиз ҳаётидаги турли муҳим воқеалар, шу жумладан, қабул қилинаётган ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёшларга етказиш жараёнида алоҳида фаоллик кўрсатганини таъкидлаш зарур.

→ 3

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ВА ТАШАББУСЛАРДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ УСТУВОР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ўтган ҳафтада “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси ҳамда уни тасдиқлаш тўғрисида Президент Фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани, жорий йилги дастурий вазифаларимизнинг асосини ташкил этувчи тадбирларни ўз ичига олган мазкур муҳим ҳужжат ҳозир мамлакатимизда, қолаверса, қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталарда қизғин муҳокама қилинаётганини қайд этиб, палата ўз таклифлари ва тавсияларини тақдим қилишини билдирди.*

Шу билан бирга, Спикер куни кеча Президентимиз раислигида ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистонда ижтимоий давлат қуриш стратегик мақсад этиб белгилангани, аҳоли турмуши учун муносиб шароитлар яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича чоралар кўрилаётгани қайд этилганига тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг мактаблардаги тарбия ва маънавият масалаларига алоҳида тўхталиб, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларда “ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет” ҳосил қилиш зарурлигига эътибор қаратгани ота-оналар ва маҳалла раисларининг бу борадаги масъулиятини янада ошириши таъкидланди. Ўз навбатида, парламент, жумладан, сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталар Президентимиз томонидан ижтимоий йўналишда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, ўз олдига муҳим масалаларни қўйиши, қонунчилик фаолиятидаги айрим тузатишларни киритиши зарурлиги айтиб ўтилди.

### Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси кучайтирилади

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвонот турларини муҳофаза қилишни янада кучайтиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан ўсимлик, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги, ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Қонун ташаббускорларининг фикрига кўра, бугунги кунда “Қизил китоб”га киритилган ўсимлик ва ҳайвонлар турларининг барқарор яшаш шароитларини таъминлаш мақсадида улардан фойдаланишга қўйилган қонуний чекловлар ва талаблар янада кучайтирилиши лозим.

Лойиҳада камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларини сақлаш чораларига аниқлик киритилиб, ёввойи ҳолда ўсувчи камёб ўсимликларни табиий муҳитдан ажратиб олиш талаблари кучайтирилмоқда. Хусусан, улардан илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш, улар табиий ҳолда ўсиб чиққан жойларда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил қилишга оид меъёрлар киритилмоқда.

→ 3


ХС ДИҚҚАТ!

# «Халқ сўзи» газетаси танловида иштирок этинг!

Халқ сўзи
Народное слово

**Таҳририятимиз томонидан энг яхши мақола ва суратлар танлови ўтказиш анъанага айланган. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида ҳам биз ўқувчиларимиздан замондошларимиз ҳаёти, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар акс этган материаллар, шунингдек, жойларда тараққиётга ғов бўлаётган камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилган танқидий ва таҳлилий мақолалар кутиб қоламиз.**

Ижодий танлов материаллари қуйидаги тартибда қабул қилинади:

— муаллифлик ҳуқуқи учинчи шахсга берилмаган ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмаган материаллар (электрон ёки А4 формат қоғозга чоп этилган нусхада);

— “Jpeg” форматда “RGB” ранглар текислигида суратга олинган, юқори сифатга эга ва узун томони камида 2 000 пиксель ўлчовдаги фотосуратлар электрон нусхаларда қабул қилинади. Тасвирларда рамкалар, ёзувларга йўл қўйилмайди. Фотосуратлар қисқа ҳамда ишончли тагхат билан тўлдирилиши керак.

Танловга ижодий ишлар йил давомида қабул қилинади. Танловда қатнашиш учун материаллар ва фотосуратларга муаллиф ҳамда унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги маълумот ва телефон рақамлари илова қилиниши лозим.

Мақолалар, лавҳалар, очерклар, фотосуратларни баҳолашда уларнинг бадиий ечимига, ўзига хослигига, ихчамлигига, кўтарилган мавзу қанчалик тўлақонли очиб берилганлигига асосий эътибор қаратилади.

Энг яхши мақолалар ҳамда суратлар “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида ёки сайтида чоп этилади. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб, деб топилган муаллифлар “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида ҳар чорак якунида эълон қилиб борилади. Улар махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.



***Ижодий ишларни “Танлов учун материал” белгиси остида таҳририятнинг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, И. Каримов кўчаси, 55-уй манзилига ёки info@xs.uz электрон почтасига юборинг.***

***Телефон: +998 99 3737302.***

# ВАТАНИМИЗ БИР, МАҚСАДИМИЗ ЯГОНА



1 Самимият билан айтилган бу сўзларни халқ жуда яхши кутиб олди. Адашганлар хатосини англади, эзгу йўлда яна бирлашди.

## Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар

Халқимизда "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар", деган мақол бежиз айтилмайди. Қаердаки аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлса, муаммолар бартараф бўлади, орзу-мақсадларга эришилади.

Ўзбек ва қорақалпоқларнинг ҳам мақсади ягона, умиду ниятлари, илдизлари туташ, келажаги бир. Ҳамжиҳатлигимизни кўролмайдиганларга, Ватанга, миллатга отилган маломат, тухмат тошларига ҳамма вақт ўз вақтида, муносиб жавоб беришимиз керак. Ана шунда бизни ҳеч ким тўғри йўлдан чалғитолмайди, ғайир кимсалар ниятларига етолмайди.

Бугун дунёга очиқ кўз билан қараш, кенг тафаккур билан назар ташлаш лозим. Турли минтақаларда ҳар хил баҳоналар билан уруш оловини ёқаётган қудратли мамлакатлар ривожланиш йўлидан бораётган тинч давлатларга нисбатан турли усуллар билан босим ўтказишга, жамиятдаги барқарорликка рахна солишга интилаётгани бизни ҳам хулоса чиқаришга ундайди. Бузғунчи ғоялари билан миллатлар, элатлар ўртасига низо солишга уринаётган, ёш авлоднинг онгини заҳарлаётган тубан кимсаларга нисбатан тегишли дипломатик чоралар кўришни тақозо этади.

Ўзбек ва қорақалпоқни азалдан урф-одатлар, анъаналар, қон-қардошлик ришталари боғлаб туради. Бизнинг тилимиз бир, динимиз бир, тарихимиз муштарак. Неча асрлардан буён қиз бериб, қиз оламиз, қуда-анда бўлиб кетган қардош халқлармиз. Азалдан душманларни биргалашиб енгганмиз, синовли кунларни бошдан кечириб, бугун дориламон кунларда яшаяпмиз.

Бироқ тан олишимиз керак, бугунги ютуқлар билан чегараланиб қолсак, хотиржамликка берилсак, сергакликни унутсак, кўп нарсани бой берамиз. Ҳал қилишимиз зарур бўлган муаммолар, феълимизда тўғрилашимиз шарт бўлган иллатлар ҳали кўп. Орамизда кибрга берилганлар, айирмачилик, маҳаллийчилик кайфиятида юрадиганлар борлигини инкор этиб бўлмайди.

Ана шу иллатларни зеҳниятимиздан, миллат дунёқарашидан чиқариб ташламас эканмиз, ягона халқ сифатида дунё ҳамжамияти эътиборига, эътирофига тушишимиз қийин бўлади. Маҳаллийчилик, бюрократия, коррупция, мансабга ружу қўйиш, ҳокимиятни, мамлакатни бўлиб олишга интилиш Ватанни заифлаштиради, душманларга қулай шароит яратади. Бу қорақалпоқ, бу хоразмлик, бу водийдан, у воҳадан каби айирмачилик ўтмиши улуғ бўлган халқ авлодларига ярашмайди. Бизнинг Ватанимиз бир ва битта





мақсад йўлида бирлашиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, турмушимизнинг янада яхшироқ, фаровонроқ бўлиши учун фидойилик билан меҳнат қилишимиз керак. Фарзандларимизни ҳам мана шу руҳда камолга етказишимиз зиммамиздаги энг катта вазифа.

Барча замонда ҳам фарзанд тарбияси ҳаёт-мамот масаласи бўлиб келган. Шундай экан, оиладаги муҳитга эътиборли бўлишимиз шарт. Бола уйда отасига, онасига тақлид қилади, юриш-туришидан ўрнак олади. Ота-она ватанпарвар бўлса, мамлакат тақдирига куюнчак, фидойи бўлса, бундай оилада улғайган фарзанд, албатта, эл-юртимиз корига ярайди.

## Ҳаётбахш ташаббуслар

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга, қорақалпоқ элига меҳр-муҳаббати, эътибори нақадар юксак эканига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги боис бугун халқимиз Орол денгизи қуришидек улкан экологик фожиа билан мардонавор курашмоқда. Бутун Ўзбекистон бу йўлда бирдам, ҳамжиҳат бўлмоқда, турли вилоятлардан кўмак кўрсатилмоқда. Қуриган денгиз ўрнида яшил қопламалар, саксовулзорлар барпо этилмоқда.

Кейинги 6-7 йилда бу ҳудудда одамларнинг яшаш шароитларини



яхшилаш, тайинли иш, доимий даромад манбаига эга бўлиши, оиласи билан тинч-хотиржам яшаши учун улкан ишлар қилинди. Хусусан, минтақани молиялаштириш, иқтисодий салоҳиятини ошириш, матонатли қорақалпоқ элининг саломатлигини тиклаш, ҳудудда яшил боғларни яратиш учун катта маблағ ажратилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барпо этилаётган яшил ҳудудлар бугунги ва келгуси авлодга экологик тоза ҳаводан баҳраманд бўлиш учун қулай шароит яратади. Бугун Орол умидларнинг рўёбга чиқиши ва янгиланиш рамзига айланмоқда.

Оролбўйи ҳудудларида барпо этилган саксовулзорда шамол таъсирида қум кўчиши ҳолатлари кескин камайди. Натижада минтақада иқлим мўътадиллашмоқда, қум ва тузнинг ҳавога кўтарилиб минтақа бўйлаб тарқалиши камайди. Давлатимиз раҳбари ўтган йили ҳудудлар ривожи ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида минтақада саноатни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган 3 та янги ташаббусни илгари сурди. Бунинг натижасида ишсиз юрган минг-минглаб ёшлар, хотин-қизлар доимий иш жойига эга бўлмоқда, минглаб оилаларга фаровонлик, тўкинлик кириб боряпти.

Қорақалпоғистондаги 454 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ берилди, маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниб 250 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон мўъжизалар ўлкасига айланди. Орол бўйларига янги ҳаёт, янги кайфият кириб келди. Одамлар юз-кўзида мамнунлик, умид ва ишонч туйғулари янада ёрқин намоён бўлмоқда. Қорақалпоғистонни ривожлантириш, инсон қадрини улуғлаш, халқни рози қилиш, ҳудуднинг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, элимиз фаровонлигини юксалтириш, турмуш шароитини янада яхшилашнинг янги босқичи бошланди.

## Мўйноқ тажрибасининг аҳамияти

Илгари Мўйноққа келган одам бугун унинг қиёфаси бутунлай ўзгарганига гувоҳ бўлади. Кенг ва баланд иморатлар, меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, амфитеатр, курант, музейлар, хуллас, бир-биридан кўркам иншоотлар савлат тўкиб турибди. Янги аэропорт ишга туширилди. Сайёҳлар энг кўп келадиган очиқ осмон остидаги "Кемалар қабристони"да денгиз томон сузмоқчи бўлиб турган кемалар узоқ тарихдан сўзлаётгандек бўлади, гўё.

Мўйноқ тумани 1931 йили ташкил этилган. Бир вақтлар катта қисмини денгиз эгаллаган ҳудуд чўл ва яримдаштликлардан иборат. Сўнгги маълумотларга қараганда туманда 32 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Президентимиз бежиз "Маданият Мўйноқдан бошланади" деб айтмаган эди. Мўйноқда қад кўтарган замонавий иншоотлар, боғлар, адиблар хиёбони, ҳунармандлар аллеяси, музейлар, мусиқа ва санъат мактаблари кўзни қувонтиради, энг чекка қишлоқларда ҳам янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари авж олган.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Мўйноқ туманида моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига жами 12 та маданий мерос ва зиёрат объекти киритилган. Булар — Экология музейи, Орол тарихи музейи, Ҳунармандлар аллеяси, "Балиқчи уйи" уй-музейи, Ҳаким ота, Тоқмақ ота ва Ажиниёз бобо мақбаралари. Шунингдек, Орол денгизи, Судочье кўли, Устюрт текислиги, Очиқ осмон остидаги кемалар музейи, Урга қишлоғи ва "Оролдаги боғим" лойиҳаси асосидаги инновацион боғ шулар жумласидандир.

Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Мўйноқ туманида кенг кўламли инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобидан қатор лойиҳалар амалга оширилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Мўйноқда юз бераётган янгиланишлар бугун нафақат ушбу ҳудудда яшаётган юртдошларимиз, балки бутун халқимизнинг кайфиятини янада кўтариб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда. Зотан, катта экологик офат билан юзлашган, бир вақтлар эътибордан четда қолиб абгор, ташландиқ ҳолга келган ҳудудни халқимиз бирлашиб, якдил, ҳамфикр бўлиб, шундай кўркам, обод қила олдими, одамларининг кўнглини шод, ҳаётини фаровонлаштира билдими, демак, юртимизнинг энг чекка жойидаги муаммони ҳам ҳал қилишга имконимиз, салоҳиятимиз етади.

## Қудратимиз — жипсликда, ҳамжиҳатликда

Президентимиз ҳар гал қорақалпоғистонлик фахрийлар, аҳоли вакиллари, депутатлар билан учрашганида, юртимиздаги ҳамжиҳатлик, тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, қадр-қиммат ҳақида гапириб чарчамайди. Тилимиз, динимиз, Ватанимиз бир бўлган, эту тирноқ бўлиб яшаётган кўп миллатли диёрда адоват ва тушунмовчиликлар бўлмаслиги, келажак авлодга энг гўзал фазилатлар, мустаҳкам дўстлик ришталарини мерос қилиб қолдириш кераклигини доим такрорлайди.

Ўзбекистондаги ўзгаришлар, ислоҳотлар халқларимиз бахти-саодати, тинчлиги, фаровон ҳаётини ўйлаб қилинмоқда. Кейинги йилларда Мўйноқдан тортиб Бўзатовгача, Шуманайдан тортиб Қораўзаккача, Элликқалъадан тортиб Қонликўлгача ҳаётбахш бунёдкорликлар, ортга қайтмас ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг янги Ўзбекистонни, янги Қорақалпоғистонни биргаликда қурамиз, деган қанотбахш сўзлари ўзбегу қорақалпоқнинг кўнглини кўтаради, ғурурга тўлдиради. Қишлоқларимизда уй-жойлар янгидан барпо қилиняпти, ободончиликка эътибор берилмоқда. Ҳозир туманларда замонавий ўлчамлар асосида қурилаётган янги уйлар, янги тураржойлар кўлами кенгайганидан кенгайиб бормоқда. Унутила бошлаган урф-одатларимиз, қадриятларимиз қайтадан тикланмоқда. Ҳар бир маҳаллада тадбиркорликка асосланган, муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринлари яратилмоқда.

Бунга жавобан ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб, юртимиз тинчлигини, омонлигини, барқарорлигини сақлашимиз ҳам фарз, ҳам қарздир. Кўп миллатли халқимиз фаровонлиги учун бундан буён ҳам фидойилик билан меҳнат қилиб, янада юксак марраларни эгаллашимиз ана шу омилларга боғлиқ. Ўзбек билан қорақалпоқ халқлари азал-азалдан дўст-иноқ бўлиб, бир заминда яшаб келган ва шундай бўлиб қолади. Бизнинг қудратимиз жипслигимизда, ҳамжиҳатлигимизда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, барчамиз учун Ватан битта. Бизни ягона, улуғ бир мақсад бирлаштиради. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигидир.

**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАМЛАКАТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

*Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг узоқ келажакда ёки эртага эмас, балки айнан бугун яхши яшашини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ушбу йўналишларда муҳим лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани эътиборга молик. Буни биргина 2023 йилда ижтимоий соҳага 134 триллион сўм маблағ ажратилгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.*

**Муносабат**

Сифатли билим, таълим ва тарбия — янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдевори. Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Зеро, сифатли таълимсиз, малакали кадрларсиз жамиятда, мамлакатда юксалиш бўлмайди.

Юртимизда ушбу соҳани, инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, малакали кадрлар тайёрлаш учун катта куч ва маблағ йўналтирилаётгани боиси ҳам шунда. Амалга оширилаётган ишлар натижасида охирги етти йилда мактабгача таълимда қамров 27 фоиздан 74 фоизга етди. Янги мактаблар қурилиб, қўшимча 700 мингта ўқувчи ўрни ташкил этилди.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида ҳам таълим соҳасини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланганини диққатга сазовор. Хусусан, "Намунавий мактаб" лойиҳалари асосида 480 та мактабни реконструкция қилиш ва янгидан барпо этиш орқали 150 минг ўқувчи ўрнини яратиш мақсад қилинган.

Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун бепул автобусларни йўлга қўйиш, янги мактабларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда уларда зарур шарт-шароитларни яратиш, нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари қамровини кенгайтириш масаласи ўрин олган.

Президентимиз раислигида шу йил 5 февраль куни ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилдаги вазифалар белгиланди.

Таълимсиз келажакни қуриб бўлмаслиги ҳаммамизга яхши аён. Таълим соҳасида ҳали қилинадиган ишлар ҳам жуда кўп. Шу боис ўтган ҳафтада Лойиҳа офиси ташкил қилиниб, унга катта илмий-амалий тажрибаси бор мутахассислар жамланди. Энди мазкур офис Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази билан биргаликда мактабларда математика, физика, кимё, биология ва хорижий тиллар бўйича ўқув режа ва дастурларни халқаро стандартлар асосида янгилайди.

Сўнгги йилларда ушбу масалага бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки ҳар бир ёш мактаб давридаёқ, ҳеч бўлмаса, битта ҳунарни эгаллаб, катта ҳаётга қадам қўйса, эртага ишсиз қолмайди, касб-ҳунарли бўлади. Бу борада 50 та касб-ҳунар рўйхати тузилиб, улар бўйича ўқув ва амалиёт дастурлари ишлаб чиқилиши айни муддаодир. Айниқса, мактабларда устахоналар, тадбиркорлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда тўгараклар ташкил этилиши эртамиз эгаларининг болаликдан бирор-бир ҳунарнинг бошини тутишига хизмат қилади.

Маълумки, илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият биз учун устувор масалалардан саналади. Зеро, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Шу сабабли йиғилишда дарслардаги давоматга, тарбияси оғир ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилиши белгиланди. Ота-оналар ва маҳалла раисларининг бу борадаги масъулияти оширилиб, "мактаб — ота-она — маҳалла" занжири асосида электрон мулоқот платформаси ишга туширилади.

Йиғилишда янги ўқув йилидан бошлаб, техникумларда ўқитиш "академик" ва "ишчи касб" компонентларининг узвийлигини таъминлайдиган янги тизим асосида йўлга қўйилиши қайд этилди. Бунда коллеж-техникумнинг 1 ва 2-курсидаги таълим дастурлари, дарсликлар, билимни баҳолаш мезонлари ва муаллимларга талаблар олийгоҳлар билан бир хил бўлади.

Бундан ташқари, техникумларда ҳам "кредит тизими" жорий қилиниб, фанни ўзлаштириш бўйича тўпланган "кредитлар" олийгоҳларда тан олинадиган тизим бўлади. Яъни коллеж-техникумда икки йил давомида етарли "кредит" тўплаган ўқувчилар "2+2" ёки "2+3" дастурлари асосида олийгоҳларнинг иккинчи ёки учинчи курсларида таълимни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

Видеоселектор йиғилишида коллеж-техникумда ўқиб, фаолиятини ишлаб чиқаришда давом эттирмоқчи бўлганларнинг соҳадаги мавқеини ошириш бўйича ҳам янги тизим йўлга қўйилиши, коллеж-техникумда "ишчи касб" йўналишида ўқиганлар икки ёки уч йил ишлаб, тажриба орттирганидан кейин имтиҳон топшириб, бакалаврга тенг малака даражасини олиши мумкинлиги айтилдики, бу минг-минглаб таълим олиш истагида юрган ёшларимизнинг айни дилидаги гап бўлди. Ўз навбатида, бу йигит-қизларимиз учун катта имконият ҳамдир.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар фақат соҳа мутасаддиларига тегишли эмас. Бу барча даражадаги раҳбарлар, шу жумладан, биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Демак, белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз даркор.

**Мухторжон ҲОЖИМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Акс садо**

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ФИДОЙИЛИК ТАЛАБ ҚИЛАДИ

*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган таълим, тиббиёт, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларидаги ислоҳотларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд камчиликлар танқидий таҳлил этилиб, галдаги устувор вазифалар белгилаб берилди.*

Йиғилишда эришилаётган ютуқлар билан бирга талай долзарб вазифалар ҳам ўз ечимини кутаётгани айтилди.

Маълумки, ҳар қандай касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал. Шу маънода, эндиликда онкологик касалликларнинг олдини олиш мақсадида эрта аниқланган ҳар бир ҳолат учун тиббиёт бригадаларига мукофот бериш тизими жорий қилинадиган бўлди. Бу бизнинг филиалимиз жамоасига ҳам катта масъулият юклайди.

Сир эмас, онкологик касалликлар бутун дунёда даволаш учун катта маблағ ва юксак тиббий имкониятлар талаб қиладиган хасталиклар қаторига киради. Шу боис филиалимизда онкология хизматини яхшилаш учун бюджетдан етарли миқдорда маблағлар ажратилиб, даволаш ҳамда диагностика бинолари янгидан барпо этилди. Энг замонавий тиббий жиҳозлар ва дори-дармон воситалари харид қилинди.

Қолаверса, филиалимиз шифокорларидан 37 нафари хорижий давлатлардаги етакчи клиникаларда малака ошириб қайтди.

Дарвоқе, чет мамлакатлардаги 9 та тиббиёт маркази билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйдик. Амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар натижасида вилоятдан даволаниш учун пойтахтга борадиган онкологик беморлар сони икки баробар камайди. Онкологик касалликлар билан хасталанганлар орасида бир йил мобайнидаги ўлим кўрсаткичи ҳам сезиларли даражада камайди. Йиғилишда таъкидланганидек, касалликни эрта босқичда аниқлашга эътибор қаратилгани ютуқларимизда муҳим омил бўлди.

Президентимиз галдаги долзарб вазифаларни ҳам белгилаб бердики, буям бизга масъулият юклайди. Тиббиёт соҳаси, жумладан, онкологик касалликларнинг олдини олиш борасида билдирилган танқидий фикрлардан хулоса чиқарган ҳолда ишимизни янги босқичда давом эттирамиз. Зотан, халқимиз бизга энг улкан бойлиги — саломатлигини ишониб топширар экан, биз, тиббиёт ходимлари бу омонатни нафақат асрай олишимиз, балки инсонларнинг соғлом ва узоқ умр кўриши йўлида куч-салоҳиятимизни аямаслигимиз, бу эзгу мақсадга бутун борлиғимизни бахшида этишимиз керак. Шундагина шифокор деган шарафли номни оқлаб, халқимизнинг ишончини қозонамиз.

**Тоҳиржон ПОЛВОНОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали раҳбари.**

# СЕНАТ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ ЁШ АВЛОД МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТУВЧИ МУҲИМ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНДИ



1

Мисол учун, “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларида сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамалари жараёнида минглаб ёш авлод вакилларининг лойиҳа юзасидан таклифлари олинди. Эътиборлиси, ушбу таклифлардан қонун ижодкорлиги жараёнида унумли фойдаланилди.

Ёдингизда бўлса, давлатимиз раҳбари раислигида 2023 йил 11 апрель куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қатор устувор вазифалар белгилаб берилган эди.

Ёшлар парламенти аъзолари уларнинг ижроси давомида ҳам ўзларини намоён қила олишди. Масалан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Олмазор тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда “InnoWeek.Uz — 2023” халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида ОТМ талабалари ва юқори синф ўқувчилари билан учрашув ташкил этилиб, унда Ёшлар парламенти аъзолари томонидан касблар, IT, робототехника, 3D моделлаштириш ва интерьер дизайн ҳамда энг кўп қўлланиладиган 10 та чет тили бўйича тақдимотлар ўтказилди. Айни чоғда Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда жамоатчилик мониторинги олиб борилди ва 10 га яқин вазирликлар билан икки томонлама учрашувлар ўтказилди ва доимий равишда ҳамкорликда амалий лойиҳаларни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Шуларга мос равишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган “Workout” майдончалари фаолияти Андижон, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри мисолида ўрганиб чиқилди. Муҳими, шу жараёнда аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилди.

Ёшлар парламенти ўз фаолиятида ижтимоий муҳофазага муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлашда ҳам етакчилик қилди.

Ижтимоий тармоқларда Қарши шаҳрида яшовчи фуқарога уй тақдим этилгани ва бир йилдан кейин уйга бошланғич тўлов амалга оширилмагани боис олиб қўйилгани билан боғлиқ муаммо бўйича видеомурожаат кенг тарқалганди. Мазкур ҳолатга аниқлик киритиш, муаммони ҳал қилиш бўйича 2023 йил март ойида Ёшлар парламенти ҳудудий кенгаши аъзолари Қарши шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ўрганиш олиб борди ва масалага ечим топилди. Уй Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси бўлган Екатерина Канаплёва номига расмийлаштирилди. Уйнинг тўлови Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан тўлиқ тўлаб берилди.

Ёшлар парламенти томонидан чет элдаги ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш мақсадида халқаро майдонда ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга катта эътибор қаратилаётир.

Жумладан, 2023 йилда Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Ўзбекистон делегацияси таркибида бўлган Ёшлар парламенти аъзолари Беларусь Миллий Мажлиси ҳузуридаги Ёшлар парламенти вакиллари билан учрашув ўтказди ва ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унда Ўзбекистон Республикасида ва Беларусь Республикаси ёшлар парламентаризмини янада ривожлантириш масаласи кўзда тутилган. Яъни ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор соҳаларда тажриба алмашиш, ёшлар бирлашмалари билан ҳамкорликда қўшма тадбирлар, дастур ва лойиҳалар ташкил этиш, таълим, инновациялар, ахборот технологиялари, туризм, волонтёрлик, гендер тенглик ва бошқа соҳаларда ўзаро мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда амалий кўникмаларни шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш белгиланди.

Шунингдек, ушбу тузилма аъзолари ўтган йилнинг 16 ноябрь куни Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ Ёшлар Парламентлараро ассамблеяси XXI ялпи мажлисида иштирок этиб, ёшларнинг халқаро волонтёрлик фаолияти юзасидан тажриба алмашиш мақсадида 2024 йил онлайн конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Ўз навбатида, ёш парламентарийларимиз Олий Мажлис аъзоларининг Туркманистон Республикасига амалий ташрифи мобайнида ҳамда Марказий Осиё ва Хитой давлатлари “Буюк Ипак йўлининг янги даври” номли ёшлар форумидаги иштироки орқали ўз тенгдошлари билан халқаро миқёсдаги алоқаларни мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.

Сир эмаски, ахборот хуружи кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув даврида ушбу масалага ҳам алоҳида ёндашиш талаб қилинади. Шундан келиб чиқиб, мазкур тузилма вакиллари томонидан ёшларда медиасаводхонликни ошириш, фактчекингни ўргатишга қаратилган кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилди. Айни чоғда “Рақамли асрдаги болалар: ижтимоий ва руҳий фаровонлик масалалари” мавзуида ташкил этилган конференцияда Ёшлар парламенти аъзолари томонидан қатор долзарб таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Парламент функциялари орасида назорат-таҳлил фаолияти алоҳида ўрин тутади. Шу боис ҳам Ёшлар парламенти аъзолари томонидан бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилди. Мисол тариқасида “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг мамлакатимиз ҳудудлари, жумладан, Самарқанд вилоятидаги ижроси ҳолати ўрганилганини келтириш мумкин.

Ёшларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш мақсадида ўтган йил июнь ойида юртимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ёшлар қабули уюштирилди. Натижада ёшлардаги муаммолар, таклиф ва талаблар ўрганилиб, тегишли идораларга мавжуд ҳолатга эътибор қаратиш бўйича ахборот киритилди.

Ёшлар парламенти фаолиятидан кенг оммани хабардор қилиш ва унинг аъзоларининг медиамакондаги чиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “web-sayt” яратилиб, Сенат сайтида унга ўтиш учун махсус ҳавола ишга туширилди.

Қолаверса, табиат мусаффолиги ва экологик барқарорликни таъминлаш, келажак авлодга соғлом муҳит яратиб беришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида Ёшлар парламенти аъзолари томонидан Бухоро, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида “Ёшлар парламенти боғи” ташкил қилиниб, умумий ҳисобда 1000 га яқин кўчатлар ўтқазилди.

Хуллас, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламентининг ўтган йилдаги фаолияти анчагина самарали кечди. Аммо ҳозирги тезкор замонда шугина ютуқ ва натижаларнинг ўзи билан кифояланиб қолиш мумкин эмас. Шу боис мазкур тузилма аъзолари жорий йилда янада залварли ишларни амалга оширишга бел боғлаган.

Ёшларнинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қонунчилик таклифларини ишлаб чиқиш, назорат-таҳлил йўналишида фаол иштирок этиш ва сенаторларнинг ҳудудлардаги фаолияти давомида ҳамкорлик қилиш ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, вазирликлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, ёшларга йўналтирилган амалий лойиҳаларни кенгайтириш орқали улар билан янада кўпроқ ишлаш, халқаро алоқалар ўрнатиш, жойлардаги муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш ва бунда чекка ҳудудлардаги ёшларни қамраб олиш мақсад қилинган.

Умуман олганда, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ўтган йилда салмоқли натижаларни қўлга киритди. Сал илгари айтилганидек, олдинда турган вазифалар кўлами янада кенг. Бу эса мазкур тузилманинг ҳар бир аъзосидан янада фаол бўлишни талаб этиши ўз-ўзидан тушунарли.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МУҲОКАМА МУКАММАЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

1

Жумладан, коррупцияга қарши курашиш йўналишида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотларни ҳамда вазифаларни назарда тутувчи Коррупцияга қарши курашиш стратегиясини қабул қилиш, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарларини очиқ танлов асосида ишга жойлаштиришда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Жамоатчилик кенгаши билан келишиш ҳамда улар фаолиятини доимий равишда баҳолаб бориш таклифлари илгари сурилди.

Шунингдек, муҳокама жараёнида томонларни келиштиришга эришиш орқали низоларни судгача ҳал қилиш, судларда иш ҳажмини камайтириш мақсадида медиация институти ролини тубдан ошириш, бунда тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилган шартномаларни лозим даражада бажармаслик натижасида келиб чиқадиган низоларни дастлаб судга қадар медиация тартибида ҳал қилиш мажбурийлигини белгилаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Медиатив келишувга эришган тарафлар томонидан келишув шартлари ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда буни мажбурий тартибда ижрога қаратишни белгилаш зарурлиги ҳам айтилди.

Якунда бу таклифлар давлат дастурига киритиш учун тақдим этилиши маълум қилинди.



## Кучли зилзилалар ҳақида эрта огоҳлантириш миллий тизими ривожлантирилади

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси йиғилишида жамоатчилик муҳокамасига қўйилган лойиҳа “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган кенг кўламли ислоҳотларни 2024 йилда самарали амалга ошириш, халқимиз кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттириш, хавфсизлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратилгани таъкидлаб ўтилди.

Шу жумладан, жаҳонда содир бўлаётган мураккаб глобал жараёнларни инобатга олиб, Қуролли Кучлар қудрати ва мамлакат мудофаа қобилияти ҳамда ҳарбий салоҳиятини янада ошириш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ишлаб чиқилган комплекс дастурга мувофиқ амалий ишларни жадаллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар, хорижий давлатлар армиялари билан ҳамкорликда ўтказиладиган ўқувларда ахлоқий-руҳий жиҳатдан таъминлаш ва психологик тадбирларни ўтказиш, соҳа мутахассисларининг етакчи хорижий давлатлар армияларида тажриба алмашиш ва малака оширишини ташкил этиш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Таъкидланганидек, лойиҳага кўра халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизими билан интеграциялашув асосида мамлакатимизда кучли зилзилалар ҳақида эрта огоҳлантириш миллий тизими самарадорлигини янада ошириш, аҳолини фавқулодда вазиятлар, кучли зилзилалар ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ҳам мақсад қилинган.

Шундан келиб чиқиб, бу борадаги устувор вазифалар кенг таҳлилдан ўтказилди.

## «Яшил» энергия манбалари салмоғи оширилади

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси йиғилишида давлат дастури лойиҳасида барча соҳа қаторида экология, атроф-муҳитни муҳофазалаш, экологик барқарорликни таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларига кенг ўрин берилгани таъкидланди.

“Яшил” энергия манбалари салмоғини ошириш мақсадида жорий йилда хорижий инвесторлар иштирокида Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Наманган ва Навоий вилоятларида умумий қуввати 2 700 МВт бўлган 6 та йирик қуёш электр станциясини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда энергетик барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, лойиҳада “яшил” иқтисодиётга ўтишни таъминлаш учун қулай шароитларни янада кенгайтириш мақсадида “яшил” сертификатлар айланмаси бозор тамойиллари асосида йўлга қўйилиши назарда тутилмоқда. Айни чоғда ундан сув ресурсларини тежаш мақсадида йирик каналларни бетонлаштириш, сувни бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, сув тежовчи технологияларни ривожлантириш, соҳага хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий қилиш масалалари ҳам ўрин эгаллаган.

Йиғилишда табиатга кўрсатилаётган салбий оқибатларни камайтириш, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш ва иқтисодиёт тармоқларининг ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 1,5 фоизга қисқартириш, чанг бўронларига қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш, қурилиш майдонига ва унга кириб-чиқиш йўлларига сув сепадиган осма ёмғирлатгич ўрнатишни мажбурий этиб белгилаш масалалари назарда тутилаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Қолаверса, жорий йилда яшил боғлар сонини 444 тага етказиш, яшиллик даражасини 12,4 фоизга олиб чиқиш, 112 та йирик саноат корхонасининг ҳудудида ва унга туташ жойларда 2,1 млн. туп кўчатдан иборат “яшил белбоғ”лар барпо қилиш, республикада ўрмон билан қопланган майдонларни 3,65 млн. гектарга етказиш чорасини кўриш вазифалари ҳам белгиланган бўлиб, бу экологик барқарорликни таъминлаш муҳим ўрин тутади.

Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган вазифалар ҳам кўзда тутилганки, булар пировардида денгизнинг қуриган тубида қўшимча 100 минг гектар яшил майдонларни барпо этиш, иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда биологик хилмахилликни таъминлашда қўл келади.

Тадбирда сенаторлар томонидан давлат дастури лойиҳасида белгилаб берилган вазифалар мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда, айниқса, юртимизда экологик барқарорликка эришиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлиги учун қулай экологик муҳит яратиш, сув ресурсларини асрашда дастуриламал бўлиши урғуланди.

*Йиғилишларда иштирокчилар томонидан лойиҳа юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.*

**«Халқ сўзи».**

# ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ВА ТАШАББУСЛАРДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ УСТУВОР



1

Шунингдек, питомник ва плантацияларда етиштирилган “Қизил китоб” рўйхатидаги ўсимлик турлари табиий муҳитга экилганидан камида уч йил ўтгандан сўнг уларнинг уруғ, кўчат ҳамда ниҳолларини йиғиш ёки ҳосилини олиш бўйича талаблар белгиланмоқда.

Қизғин муҳокама чоғида депутатлар қонун лойиҳасидаги айрим нормалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, лойиҳанинг концепцияси ва таклиф этилган таҳрири ўртасида тафовут мавжудлигини қайд этдилар.

Чунончи, депутат Зафар Худойбердиевнинг таъкидлашича, қонун ишлаб чиқиш асоси сифатида кўрсатилаётган Президент қарорида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган, “Қизил китоб”га киритилган ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар турларидан фойдаланишни тақиқловчи ҳамда чекловчи талабларни белгилаш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлишига қарамай, қонун ташаббускорлари тақдим қилган қонун лойиҳасида чекловчи ёки тақиқловчи нормалар акс эттирилмаган. Масалан, тушунтириш хатида ов қилишга оид талаблар кучайтирилаётгани айтилса-да, лойиҳада ушбу модда умуман ўзгартирилмаган.

Шунингдек, депутатлар томонидан камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар ўсиб турган жойда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил қилишга оид нормалар ушбу соҳада мавжуд амалдаги қонунчиликка мувофиқ келмаслиги юзасидан эътирозлар билдирилди. Шунингдек, қонун лойиҳасидаги айрим нормалар коррупциоген омилларни юзага келтириши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ҳам илгари сурилди.

Депутат Аъзамжон Тўлабоев қонун лойиҳасида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш учун рухсатномалар фақатгина Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда уларнинг вилоят бошқармалари томонидан берилишини белгилаш таклиф этилаётганига тўхталиб ўтди. Унинг фикрича, амалдаги тартибга кўра, дарахтларни кесишга оид ягона тўхтамга маҳаллий ҳокимликлар ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг қўшма қарори асосида келинарди. Эндиликда ушбу амалиёт бекор қилиниб, чекка тумандаги бир дарахтни кесиш учун ҳам вилоят бошқармаларига мурожаат қилинадиган бўлса, коррупция ҳолатлари юзага келишига шароит яратиб қўйилиши мумкин.

Ўз навбатида, қонун ташаббускорлари ушбу эътирозли масалага муносабат билдириб, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги қарорига асосан, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесишга рухсатнома олиш тартиби ўзгарганлигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесмоқчи бўлган юридик ва жисмоний шахслар Ягона интерактив давлат хизматлари порталига зарур ҳужжатларни киритган ҳолда масофадан туриб, беш иш кунида тегишли бошқарма қарорига эга бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Узоқ тортишув ва қизғин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

## Ерларни иккиламчи ижарага бериш имкониятлари кенгаймоқда

Мажлисда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага бериш ва улардан самарали фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг дала четларида 34,5 минг гектар, коллектор-дренажлар атрофида 24,5 минг гектар ер майдонларида қўшимча 340 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имкони мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини янада кенгайтиради.

Бироқ ушбу майдонлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, иккиламчи ижарага бериш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси яратилмаганлиги сабабли мазкур ерларда маҳсулотлар етиштириш имкониятларидан фойдаланилмаяпти.

Қонун лойиҳаси билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари дала четларидаги коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларининг атрофларидаги ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ўн йилгача бўлган муддатга ижарага бериш кўзда тутилмоқда.

Ердан фойдаланувчиларнинг дала четлари ва коллектор-дренаж ҳамда суғориш тармоқларининг атрофларидаги ер майдонлари, шунингдек, боғ ва токзор қатор ораларидан самарали ва оқилона фойдаланишини таъминлашга доир мажбуриятлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, лойиҳа билан Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ваколатлари ҳам назарда тутилмоқда. Яъни сув объектларида сувнинг оқилона бошқарилишини таъминлаш, сувдан фойдаланиш, сув хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш чораларини кўриш каби ҳуқуқлар бериляпти.

Мажлисда депутат Ғайрат Сафаров коллектор-дренаж ҳамда суғориш тармоқлари ҳар икки йилда техник тозалаб турилиши лозимлигини таъкидлади. Унинг фикрича, суғориш тармоқларига техник хизмат вақтида кўрсатилмаса, ундан чиқаётган сув ерларга ёмон таъсир кўрсатади. Коллектор-дренажларнинг атрофидаги ерларни ижарага олган фуқаролар эса коллекторнинг қирғоғигача экин экишни хоҳлайди, бу эса техник хизмат кўрсатилишига тўсқинлик қилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъули бу ҳақда тўхталиб ўтди. Қайд этилишича, ҳужжатларда белгиланган тартибга кўра, чуқурлиги 2 метргача бўлган сув ҳавзаларининг муҳофаза чегараси 75 сантиметрдан 5 метргача бўлиши керак. Зарурат туғилганда унинг атрофидан 75 сантиметрдан ошмаган миқдорда фойдаланиш мумкин. Ҳар йили Сув хўжалиги вазирлиги таъмирланадиган сув объектлари рўйхатини тасдиқлайди. Бу ҳудудлар ижарага берилишидан олдин Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қандай экинлар экиш мумкинлиги тавсия қилинади.

Мажлисда депутатлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан унумли фойдаланиш кераклигини таъкидлаб, қонун лойиҳасида ердан оқилона фойдаланувчиларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини эътиборга олиш кераклигига урғу бердилар.

Қонун лойиҳасидаги нормалар депутатлар берган таклифлар асосида такомиллаштириладиган бўлди ва мазкур ҳужжат биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш ҳолати қандай?

Депутатлар Ўрмон хўжалиги агентлиги директори Н. Бакировнинг “Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш ҳолати тўғрисида”ги ахборотини эшитди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ўрмонларни муҳофаза қилиш, ўрмон фонди ерларидан оқилона фойдаланиш, уларда дарахтлар ва буталарни экиш ҳамда етиштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасидалиги белгиланди.

Шунингдек, “Ўрмон тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ўрмондан, хусусан, ўрмон фонди ерларидан фойдаланишнинг асосий қоидалари, соҳада давлат органларининг ваколатлари янада аниқ очиб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди ҳамда ўрмонларни муҳофаза қилиш, сақлаб қолиш ва ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, бу борадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қайд этилди.

Ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида сўнгги олти йил давомида ўрмон фонди ерлари 1 млн. гектарга кенгайиб, бугунги кунда 11,9 млн. гектарни, яъни республика умумий ер майдонининг 26,4 фоизини ташкил этади.

Мажлисда таъкидланганидек, ўрмон фонди ер майдонларидан фойдаланишда ижара муносабатларини такомиллаштириш, ижарага беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш мақсадида Ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилинган.

Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан 2023 йилда 235 минг гектар майдонда ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари бажарилган, ўрмон фонди ерларининг фойдаланилмаётган 7 012 гектар майдонлари ўзлаштирилган.

Оролбўйи ҳудудларининг экологик барқарорлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида 127,8 минг гектар, Бухоро вилоятида 40,6 минг гектар, Навоий вилоятида 43,7 минг гектар ва Хоразм вилоятида 10,6 минг гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан “яшил” қопламалар барпо этилган.

Ўрмон фонди ер майдонларида ўрмон хўжаликлари томонидан 1,1 тонна чўл ва бошқа турдаги дарахтлар ҳамда буталарнинг уруғлари жамғарилган. Ниҳолхона ва кўчатхоналарнинг умумий майдони 1,3 минг гектарга етказилиб, 166 млн. дона турли мевали ҳамда манзарали дарахтлар ва буталарнинг кўчатлари, ниҳоллари етиштирилган.

Н. Бакировнинг таъкидлашича, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида республика бўйича 3 млн. тупга яқин дарахтлар ва буталарнинг кўчатлари ҳамда ниҳоллари бепул етказиб берилган, 457 гектар майдонда яшил боғлар барпо этилган.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда, ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришига тадбиркорлик фаолияти субъектларини кенг жалб қилиш чоралари кўрилган.

Ўрмон фонди ерларидаги экотуризм объектлари сони 280 тага, экотуристик маршрутлар сони 38 тага, ташриф марказлари сони 5 тага етказилган. 2023 йилда олинадиган ялпи даромад 320 млрд. сўмни, ўрмон маҳсулотлари бўйича ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8,8 трлн. сўмни ташкил этган.

Муҳокама чоғида соҳада амалга оширилаётган ишлар эътироф этилиб, мунозарали саволлар ўртага ташланди. Хусусан, депутат Қизилгул Қосимованинг айтишича, Ўрмон хўжалиги агентлиги ҳузурида фаолият олиб бораётган хўжалик ҳисобидаги “Яшил ҳудуд” давлат унитар корхонаси сув тежайдиган технологияларни қўллаган ҳолда дарахтларни, буталарни парваришлайди. Лекин бугунги кунда нафақат Тошкент шаҳрида, балки мамлакатимизнинг барча аҳоли пунктларида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган дарахт ва бута кўчатлари тўлиқ сув билан таъминланган ёки дарахтлар эгаларига бириктирилган, деб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, депутат мамлакатда олиб борилаётган яшиллаштириш сиёсатида корхона ўз ўрнини топа оладими, унинг ушбу йўналишдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қандай аниқ таклифлар ишлаб чиқилган, деган саволни ўртага ташлади.

Ўрмон хўжалиги агентлиги директори “Яшил ҳудуд” давлат унитар корхонаси 2023 йилда республикамизда кўкаламзорлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида ташкил этилганини айтиб, корхонани очиш жараёнида барча жиҳатлар эътиборга олингани, бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини маълум қилди.

Депутат Аъзамжон Тўлабоев эса Ўрмон фонди ерларидаги экотуризм объектлари сони 280 тага, экомаршрутлар сони 38 тага, ташриф марказлари сони 5 тага етказилгани, ушбу кўрсаткичлар, айниқса, атиги 5 та ташриф маркази билан бугунги глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари шароитида аҳолининг ушбу дам олиш масканларига бўлган талабини қаноатлантириши мумкин эмаслигини билдирди.

Н. Бакиров ўз жавобида, ҳақиқатан ҳам, бешта ташриф маркази кам эканини таъкидлаб, Президентимизнинг шу йил 12 январдаги тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида экомаршрутлар ва ташриф марказлари сони кўпайтирилишини маълум қилди.

Қизғин мунозаралар давомида депутатлар Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси доирасида ўрмон фонди ерларини кенгайтириш, уларнинг ўрмон билан қопланганлик даражасини ошириш, ушбу ерларда доривор ва бошқа турдаги импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ишларини кенг йўлга қўйиш бўйича таклифлар бердилар.

Мажлисда ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш юзасидан атрофлича маълумотлар тақдим қилингани эътироф этилган ҳолда ахборот маълумот учун қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**
**Парламент ахборот маркази.**

# НАВОИЙ БИОБИБЛИОГРАФИЯСИ НАШРГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

*“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 23 январь сонида эълон қилинган “Мамлакат устуни, давлат таянчи” сарлавҳали мақолада академик Акмал Саидов Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик Шуҳрат Сирожиддиновнинг “Амир Алишер” номли китоби ҳақида фикр юритиш асносида юртимизда навоийшуносликни янада ривожлантириш масалаларига ҳам урғу берган.*

**9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун**

Олим мақоласида янги Ўзбекистон билан боғлиқ бугунги давр воқелиги Алишер Навоийнинг халқимиз ва жаҳон маданияти ҳамда илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини янада кенг тарғиб этишни кун тартибига қўяётганини таъкидлайди. Бунда мустақиллик шарофати билан Навоий биобиблиографиясини тўлиқ ўрганиш ва ҳақиқий таржимаи ҳолини яратиш, ул зотнинг ижоди ва маънавий меросини аслича, моҳиятини теран тушунган ҳолда тадқиқ қилиш борасида юзага келган имкониятлардан изчил ва самарали фойдаланиш талаб этилишини айтади.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси библиографлари томонидан 1968 йили ўзбек ва рус тилларида “Алишер Навоий” биобиблиографик кўрсаткичи тайёрланиб нашр этилган. Бу муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ундан ҳозирги кунгача илмий тадқиқот ишларида фойдаланиб келинмоқда. Аммо библиографияга асосан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондидаги адабиётлар киритилган.

1991 йил Алишер Навоий ҳазратларининг 550 йиллик юбилейи баҳонасида камина ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси библиографи, малакали мутахассис, ҳозирда пенсионер Апипа Туропова билан ҳамкорликда “Алишер Навоий” биобиблиографиясини ўзбек ва рус тилларида нашрга тайёрладик. Айрим сабабларга кўра унинг ўзбек тилидаги нусхаси газета қоғозида нашр этилди, рус тилидаги нусхаси эса йўқолиб кетди.

Биламизки, шахс библиографияси унинг ҳаёти ва ижоди, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолиятига оид барча турдаги маълумотларни ўз ичига олувчи кўрсаткич ҳисобланади. Библиограф ҳар бир материални, китоб ёки мақолани илмий таҳлил қилиб, мазмунига ёхуд белгиланган тартибга кўра жойлаштиради. Бундан мақсад — фойдаланувчини қизиқтирган мавзу, муаммо, асар номи, тури, нашр йили ва жойи, қайси тилдалигидан қатъи назар, зарур маълумотни осон, тез ва қулай топишига ҳамда фойдаланишига имкон яратишдир.

Шу жиҳатдан, “Алишер Навоий” биобиблиографиясининг янги нашри, шубҳасиз, буюк шоир ва мутафаккир бобомизнинг ҳаёти ҳамда ижодини ўрганишда муҳим қўлланма бўлади.

Устозим, марҳум академик Азизхон Қаюмов таклифи ва ташаббуси билан 1979 йилдан буён Навоий биобиблиографиясини тузиб нашр эттириб келамиз. Аввал йиллик библиографиялар, кейинчалик алоҳида библиографик кўрсаткич, ҳозирги вақтда эса деярли 100 йиллик вақтни ўз ичига олган биобиблиографияни нашрга тайёрлаяпмиз. Унга нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда нашр этилган манбалар ҳам киритилган. Манбалар нашрларнинг турлари, Алишер Навоий ва унга оид асарларнинг турлари, масалалар бўйича алоҳида гуруҳлаштирилган. Тадқиқотчиларнинг вазифаси, олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб, манбаларни нашр йили, тури, алоҳида асарлари бўйича топиш мумкин. Ҳозирги кунда кўрсаткич 890 саҳифадан иборат. Адабиётлар жами 13 мингга яқин рақамлар остида тартибга солинган. Бу ишнинг аҳамияти шундаки, даҳо бобомизга оид қандай манба бўлса, китобхон ўзига кераклисини топади, улар билан ишлай олади.

Масалан, ҳазрат Навоийнинг “Меҳрибоне топмадим” ғазали 10 та манбада нашр этилган бўлса, эндиликда улар бир жойга йиғилди. Ёхуд “Хамса” ҳақидаги материаллар достонлар номи остида алоҳида берилган. Алишер Навоий асарлари қайси тилда, масалан, инглиз, немис, латиш, тожик тилида чоп қилинган бўлса, тил номи остида жойлаштирилган. Ҳар бир материал илмий нуқтаи назардан таҳлил этилиб, кўрсаткичнинг тузилиши белгиланган.

Ўйлаймизки, мазкур биобиблиография навоийшуносликда сарҳисоб қилиш вазифасини ҳам ўтайди, Алишер Навоий ижодига қизиқишни оширади, шоир билан боғлиқ маълумотларнинг сақланиб қолишига асос бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон библиографиясининг такомиллашиб боришига ёрдамлашиб, шу соҳада таълим олаётган ёшларнинг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаб боришига туртки беради.

**Зуҳра БЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибидаги Фундаментал кутубхона директори.**

# ЗАМОНАВИЙ БОҒЧА БОЛАЖОНЛАР ИХТИЁРИДА

*Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Ғиждувон маҳалласида яна бир янги мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.*

**Мактабгача таълим**

Давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилган мазкур МТТ ўз бағрига 100 нафар 3 дан 7 ёшгача бўлган болаларни сиғдиради. Барча қулайликка эга ушбу масканда келажагимиз ворислари учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, бинода машғулот хонаси, ётоқхона, ҳамшира хонаси, ошхона, мусиқа зали мавжуд. Шунингдек, ёзги айвончалар ҳамда болалар ўйин майдончалари ташкил этилган.

Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Ғайрат Бобохоловнинг маълум қилишича жорий йилда вилоятда 3 — 7 ёшли болалар қамровини 71,6 фоизга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун саккизта давлат, бешта давлат-хусусий шериклик асосидаги ҳамда юзлаб оилавий нодавлат МТТлар очилади.

Шунингдек, ўнта тўлиқ кунлик тайёрлов ва элликта бир йиллик бепул мажбурий мактабга тайёрлов гуруҳлари тузилиб, уларга юзлаб болалар қамраб олинади. Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 26 та бўш гуруҳ хоналарни таъмирлаш ҳисобига 580 ўринли янги қувват яратиш ҳам кўзда тутилмоқда.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ИМКОНИЯТМИ Ё ТАҲДИД?



*Бугун дунёда тараққиёт мисли кўрилмаган даражада жадал тус олди. Турли соҳалардаги ҳозирги янгиланишларни бир вақтлар, ҳатто тасаввур ҳам қилиш мушкул эди. Жумладан, IT соҳасидаги бугунги юксалишларни ҳам. Тизимда қўлга киритилаётган муваффақиятлар самараси ўлароқ “ақлли” роботлар, “йўл кўрсатувчи” иловалар, учувчисиз учадиган қурилмалар, мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказувчи мосламалар, юзни танувчи дастурлар ҳаёт тарзимизга шиддат билан кириб келмоқда. Бу технологияларнинг асосида сунъий интеллект ётгани ҳеч кимга сир эмас.*

*Айни пайтда “Сунъий интеллектни такомиллаштиришнинг чегараси борми? У инсониятга яна қандай имкониятларни туҳфа этади? Нейрон тармоқ охир-оқибат инсоният устидан ҳукмронлик қилмайдими?” каби саволлар кўпчиликни қизиқтиради. Уларга мутахассислар муайян жавобларни бермоқда. Бироқ якдил хулосаларга келингани йўқ, баҳс-мунозаралар давом этмоқда.*

*Ушбу масала юзасидан АҚШдаги ватандошимиз, “Амазон” компанияси дастурий таъминот муҳандиси Беҳзод МАМАДИЕВ ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.*

**Бугуннинг гапи**

— Ахборот технологиялари фанида “Тюринг тести” деган атама бор. У британиялик машҳур олим Алан Тюринг томонидан XX аср ўрталарида ишлаб чиқилган. Ушбу тест орқали машина ёки компьютернинг интеллекти инсон онгига қанчалик тенглашгани имтиҳон қилинади, — дейди Беҳзод Мамадиев. — Агар компьютер ёки сунъий интеллектнинг жавоблари, ўзини тутиши инсондан фарқлаш мумкин бўлмаган даражага етса, у “Тюринг тести”дан ўтган ҳисобланади.

Шу пайтгача ҳеч бир ахборот машинаси мазкур синовдан ўта олмаган. Сунъий интеллектга оид тадқиқотлар бошланганига ярим асрдан ошди. Кунлар келиб компьютернинг одамдек сўзлашиши, ҳатто ақли инсонларникидан ўзиб кетиши ҳақида башоратлар кўп бўлган, лекин бунинг қачон рўй бериши ҳақида фаразлар турлича.

## «Фикрлайдиган» технологияни яратиш йўлида

“Сунъий интеллект” (Artificial Intelligence) атамаси фанга 1956 йилда америкалик олим Жон Маккарти томонидан киритилган. Агар компьютер ёки бирор ахборот дастури, одатда, бажариш учун инсон ақли ва тафаккури талаб қилинадиган ишни мустақил амалга ошира олса, бу сунъий интеллект ҳисобланади. Биологик мавжудот ҳисобланмиш одамнинг ақли, фикрлаши бу ҳақиқий интеллект бўлса, нобиологик, яъни инсон томонидан ясалган буюм ёки бошқа бир предметнинг “фикрлаши” сунъий интеллект деб аталади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида олимларнинг қизғин эътиборини тортган бу соҳа 70-йилларга келиб “Сунъий интеллект қиши” деб аталган даврга қадам қўйди. Яъни соҳада бирор жиддий силжиш кузатилмагани боис унга эътибор ва сармоя киритиш кескин пасайди.

90-йилларга келиб, сунъий интеллектнинг “Машина ўргануви” (Machine learning) деб аталадиган йўналишида тадқиқотлар кучайди. Инсон томонидан яратилган алгоритмлар асосида компьютернинг мустақил равишда ўз билимини бойитиб бориши “Машина ўргануви” деб аталади. Ҳар қандай сунъий интеллект асосида шу технология ётади. Содда қилиб айтганда, сунъий интеллектнинг озуқаси, бу — ахборот ва у доим ахборотга ўч. Машина қанча кўп ахборот билан озиқлантирилса, у шунча ақлли бўлиб боради.

2000 йиллардан бошлаб илғор микросхемалар ва супер компьютерлар ёрдамида сунъий интеллектни арзонроқ ва тезроқ тренингдан ўтказиш имконияти пайдо бўлди. “Компьютернинг кўриши” (Computer vision), “Чуқур ўрганиш” (Deep learning) йўналишларида самарали тадқиқот ва тажрибалар ўтказилди.

## «ChatGPT»: соҳада туб бурилиш

2022 йил 30 ноябрь куни АҚШнинг “OpenAI” компанияси “ChatGPT” онлайн платформасини оммага тақдим этди. Ҳаммага таниш чат ойнаси орқали сиз исталган саволни (тақиқланган мавзулардан ташқари) сунъий интеллектдан сўрашингиз мумкин. У сизга қайтарадиган жавоблар эса ҳайратланарли даражада аниқ ва равон. Математика, физика, кимё каби фанлар ёки веб-сайтлар учун код ёзиш бўладими, хуллас, инсон зотига маълум исталган фанга оид саволни сўрашингиз мумкин, у сизга ўша соҳанинг олимидек жавоб қайтаради. Гўёки, компьютер эмас, инсон билан гаплашаётгандек бўласиз.

Масалан, “Термоядровий реакция нима?” деб сўранг. У сизга илмий ва батафсил тушунтириш беради. Энди ундан худди шу жавобни етти яшар болага тушунтириб бер, деб сўранг. У бу сафар жуда содда тилда, бола тушунадиган мисоллар билан жавоб беради.

Сунъий интеллект шеърлар ёзади, ҳикоялар ва ҳатто роман қоралаши мумкин. Қандай мавзуда бўлишини айтсангиз кифоя. Мусиқа басталайдиган, қўшиқ куйлайдиган, ҳақиқий тасвирлардан фарқлаш мумкин бўлмаган даражада сифатли сунъий видеолар тайёрлаб берадиган платформалар ҳам мавжуд.

## Бу қандай ишлайди?

Сунъий интеллектнинг инсондек сўзлашиш қобилияти “Катта тил модели” (LLM — Large Language Model) деб аталадиган тизимга асосланган. Унга турли адабиётлар, китоблар, мақолалар, интернетда мавжуд матнлар, хуллас, инсоният яратган матнли, видео ва аудио форматдаги маълумотлар юкланади ва махсус алгоритмлар ёрдамида тренингдан ўтказилади. Содда қилиб айтганда, чақалоқдек мияси бўш компьютерга биз қандай гапиришни ва ёзишни ўргатамиз, уни турли соҳаларда олимга айлантирамиз.

Кейин унга тренингдан ўтказилган мавзуларда савол ташласангиз, ўз базасидаги миллионлаб ресурсларни варақлаб, тўғри жавобни топади. Жавобни тузишда грамматикага оид билимларини ишга солади. Ўз ихтиёридаги миллионлаб, балки миллиардлаб мисолларни таҳлил этган ҳолда сиз сўраган саволга эҳтимолий тўғри жавоб нима бўлиши мумкинлигини тахмин қилади ва энг оптимал деб ҳисоблаган жавобни сизга жўнатади.

“ChatGPT” деярли барча тилларда гапиради. Асосий забони инглиз тили, лекин бошқа тилларда ҳам ишлатиш мумкин. У ўзбек тилида ҳам мулоқотга кириша олишини даъво қилади, лекин ҳозирча бу тилдаги имкониятлари анча чекланганини сезиш қийин эмас. Бу фақат вақт ва ресурс масаласи билан боғлиқ. Сунъий интеллект ўзбек тилидаги манбалар билан кўпроқ озиқлантирилса, у ҳам тез орада бизнинг забонимизда “булбулдек сайрайдиган” бўлади.

## Янги платформа «Тюринг тести»дан ўтдими?

“ChatGPT” шу даражада зўр ишлар экан, демак, унинг ақли, фикрлаши инсон даражасига етди, деб хулоса қилишимиз мумкинми?

Ушбу платформа иловасига яқинда аудио орқали суҳбатлашиш функцияси ҳам қўшилди. Энди сиз у билан исталган мавзуда овозли мулоқот қилишингиз мумкин.

Мен “ChatGPT”ни “Тюринг тести” орқали синаб кўрмоқчи бўлдим. Инглиз тилида ҳар хил саволлар билан уни чалғитишга уриндим. “Тюринг тести” аслида махсус мутахассислар томонидан алоҳида саволлар орқали ўтказилади. Лекин мен олиб борган оддий суҳбатда ҳам овоз соҳиби ҳақиқий инсон эмаслигини сезиш қийин эмас. Инглиз тили талаффузи, оҳанг ва интонацияда ҳеч қандай муаммо йўқ. Лекин ҳар бир жавоб охирида яна қандай саволинг бор, дея такрор-такрор сўраши, баъзан бошқа тилларда гапириб юбориши ҳамда ўзбек тилини биламан дея даъво қилиб, жуда ёмон талаффуз билан



ўзбекча гапириши, “Ўзингга ўзбекча исм танла”, деб сўраганимда, аёл овозига эга бўла туриб, дастлаб ўзига эркакнинг исмини олгани унинг ҳақиқий одам эмаслигини кўрсатиб қўйди.

Лекин матн орқали гаплашганда бу камчиликлар сезилмайди.

Олимлар тахминига кўра 2030 йилгача сунъий интеллект “Тюринг тести”дан ўтади. Яъни унинг жавоблари, ўзини тутиши, ҳис-ҳаяжони инсонникидан мутлақо фарқлаб бўлмайдиган даражага етади.

> **“Олимлар тахминига кўра 2030 йилгача сунъий интеллект “Тюринг тести”дан ўтади. Яъни унинг жавоблари, ўзини тутиши, ҳис-ҳаяжони инсонникидан мутлақо фарқлаб бўлмайдиган даражага етади.”**

## Ақл бовар қилмас «ақл»

Сунъий интеллектнинг иши фақат саволларга жавоб беришдан иборат эмас. Уни амалиётда турли соҳаларда қўллаш мумкин. Оддий айтганда, у турли соҳаларда эксперт даражасидаги билимга эга текин ишчи. У ўта мураккаб, инсон бажариши учун катта вақт ва ресурс талаб қилинадиган вазифаларни жуда қисқа муддатда ва аъло даражада бажара олади.

Статистика ва таҳлил билан шуғулланадиган компаниялар иши жуда осонлашган: сунъий интеллектга минг бетлик ҳисоботни тақдим этиб, менга бир-икки бетлик хулосасини чиқариб бер, дейилса кифоя, сониялар ичида ҳисоботнинг мағзи тайёр бўлади.

Таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, ахборот технологиялари каби кўплаб тармоқларда аллақачон сунъий интеллектдан самарали фойдаланилмоқда.

Сунъий интеллект ёрдамида янги дори турлари ва вакциналар кашф этиляпти. Яқин йилларда у кўплаб бедаво ёки оғир касалликларга даво топиши башорат қилинган.

Сунъий интеллектга эга роботлар ва бошқа амалий жиҳозлар сони ҳам кундан-кунга кўпаймоқда. Одамдек гапирадиган ва ишлайдиган роботлар хонадонларга кириб бормоқда. Автомобилларнинг одам томонидан бошқарилиши яқин келажакда ўтмишга айланади, чунки улар сунъий интеллект ёрдамида ўз манзилини мустақил топиб боради.

Вазият шу даражага етадики, унинг қандай ишлаётганини, ҳатто дастур эгалари ҳам тушунмайдиган даврлар келади...

## Сунъий онг хавотири

Сунъий интеллект имкониятларига оид умидлар билан бир қаторда таҳдид ва хавотирлар ҳам бор. Хавотирларнинг энг оддийси — унинг инсонлар ишини тортиб олиши ва ишсизликни кўпайтириши. Энг катта таҳдид сифатида эса сунъий интеллект ҳукмрон бўладиган келажакда инсониятнинг яшаб қолиши савол остига олинмоқда.

Сунъий интеллект туфайли кўплаб иш ўринлари бой берилиши ҳақиқат. Баъзи соҳалар келажакда, ҳатто касб сифатида ғойиб бўлиши тахмин қилиняпти. Булар — ўқитувчилар, ҳайдовчилар, дастурчилар ва ҳатто журналистлар ҳамда шифокорлар. Мусиқа, кино саноати ва бошқа кўнгилочар соҳалардаги иш ўринлари ҳам таҳдид остида.

Шу билан бирга, сунъий интеллект асосида янги соҳалар, янги касблар ва иш ўринлари пайдо бўлади, деган қарашлар бор. Сунъий интеллект кам харажат эвазига катта бойлик яратиши ҳисобига, барча учун универсал маош белгилаш ғоясини олға сураётганлар ҳам мавжуд. Яъни ишлаш ёки ишламаслигидан қатъи назар, ҳамма яшаш учун етадиган минимум нафақа билан таъминланади.

Асосий таҳдид бунда эмас. “SpaceX”, “Tesla” каби бир қатор компаниялар эгаси, шунингдек, “ChatGPT”ни ишга туширган “OpenAI” компанияси асосчиларидан бири Илон Маскнинг айтишича, инсоният тирик қолиш ёки қолмаслик хавфи билан юзлашмоқда. Унга кўра сунъий интеллект шу даражада тараққий этадики, унинг назорати инсон қўлидан чиқиб кетади. Ўз тафаккури ва мантиғи асосида инсоннинг баъзи ҳаракатларини идеал жамият учун хавф деб топса, сунъий интеллект одамзод эркини чеклаши ва ҳатто уни жисмонан йўқ қилиши мумкинлиги ҳақида фаразлар бор.

Шунинг учун сунъий интеллект асосларини тўғри танлаш, унинг назоратдан чиқиб кетишига йўл қўймаслик ва барча бирдек риоя этадиган “ўйин қоидалари”ни қабул қилиш таклиф этилмоқда.

Европа Иттифоқи Сунъий интеллект тўғрисидаги қонунни имзолаш арафасида. АҚШда бу соҳада тадқиқот олиб борувчи энг йирик компаниялар сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича ўзаро “ўйин қоидалари”ни келишиб олган. Бошқа давлатларда ҳам шундай ҳаракатлар бор.

Хуллас, сунъий интеллект бизга кўп ажойиботлар ва қулайликлар тақдим қилишда давом этади. Бу неъматлардан баҳра олар эканмиз, мазкур технология инсоният учун қандай оқибатларга олиб келиши эса ҳали-ҳануз савол остида.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ЁШЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**Инфратузилма**

***Марказий Фарғона ҳудудида жойлашган Ёзёвон туманининг энг олис маҳаллаларидан бири — Янгибўстон 1982 йилда атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов ташаббуси билан ташкил топган. Мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани каби кейинги йилларда ушбу маҳаллада ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти.***

Хусусан, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш борасида давлат дастурлари доирасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2021 йили 60 ўринга мўлжалланган 25-давлат мактабгача таълим ташкилоти учун замонавий бино қурилди. Яқинда эса масъул ижро этувчи орган ҳисобланган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида маҳалладаги 33-умумтаълим мактабида 1 млрд. 169 млн. сўм маблағ сарфланган янги спорт зали фойдаланишга топширилди.

— Юртимизда азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланади, — дейди Ёзёвон тумани ҳокими ўринбосари Мирзоҳид Ҳотамов. — Бугун маҳалла ёшлари ихтиёрига топширилаётган ушбу муҳташам иншоот спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ишонамизки, яқин истиқболда Янгибўстондан ҳам чемпионлар етишиб чиқади.

Тантанали тадбир қатнашчилари янги спорт залида яратилган шароитлар билан танишиб, мактаб ўқувчиларининг турли чиқишларидан баҳраманд бўлдилар.

Айтиш жоизки, туман мактабларида спорт заллари сони 32 тага етди.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 587 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6